

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

МУҲАНДИСЛИК ҚУРИЛИШ ИНФРАСТРУКТУРАСИ ФАКУЛЬТЕТИ

“Геодезия ва кадастр” кафедраси

“Ҳимояга рухсат этилди”

МҚИФ декани

доц. С.А. Ташпулатов

“_____” _____ 2016 й.

5311500 – “Геодезия, картография ва кадастр” йўналиши бўйича бакалавр
даражасини олиш учун бажарилган диплом лойиҳаси

ТУШУНТИРИШ ХАТИ

Диплом лойиҳасининг мавзуси: **“Тошкент шаҳар Яшнобод тумани
Куйлик даҳанинг кадастр плани учун топографик-геодезик ишлар
лойиҳаси ”.**

Тушунтириш хати _____ бет

Такдимот _____ варақ

Чизма 4 та

Лойиҳа муаллифи 49 -12 ГKK

Тажибаев Асқаржон

Хусан ўғли _____

Раҳбар: доцент

Назаров Б.Р. _____

“Г ва К” кафедраси 31.05.2016 й. №21 баённомаси

билан “ҳимояга тавсия этилган”

кафедра мудири _____ Б. Назаров

Тошкент 2016 й.

ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ
МУХАНДИСЛИК ҚУРИЛИШ ИНФРАСТРУКТУРАСИ ФАКУЛЬТЕТИ

“Геодезия ва кадастр ” кафедраси

Йўналиш: 5311500- “Геодезия, картография ва кадастр”

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Кафедра мудири _____

26. 12. 2016йил.

ДИПЛОМ ЛОЙИХАСИ БЎЙИЧА ТОПШИРИҚ

Талаба Тажибаев Асқаржон Хусан ўғли

1. Диплом лойиҳаси: “Тошкент шаҳар Яшнобод тумани Куйлик даҳанинг кадастр плани учун топографик-геодезик ишлар лойиҳаси ”.

Ректорнинг 19.12.2015 йил. 2/404 сонли буйруғи билан тасдиқланган.

2. Диплом лойиҳасини олд ҳимояга тақдим этиш муддати: 01.06.2016й.

3. Мавзу бўйича дастлабки маълумотлар берувчи адабиётлар рўйхати:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. - Тошкент.: Ўзбекистон, 1995.
2. Авчиев Ш. К. “Амалий геодезия” Тошкент. Ворис нашриёти. 2010й.
3. Авчиев Ш. К., Тошпўлатов С.А. “Инженерлик геодезияси” ТАҚИ. 2007й
4. Тошпўлатов С.А., Авчиев Ш.К., Ковалев Н.В. Олий геодезия. — ТАҚИ, Тошкент, 2002.
5. «Инструкция по нивелированию I, II, III и IV-класов» Москва 1984г.
6. Н. Нишонбоев Мақбул усулларда ечиладиган геодезик масалалар ТАҚИ., 1992й.

4.Диплом лойиҳасининг мақсади ва ҳал қилинадиган масалалар:

Диплом лойиҳасининг мақсади Тошкент шаҳар Яшнобод тумани Куйлик даҳанинг кадастр плани учун топографик-геодезик ишлар лойиҳасини тузишдан иборат. Унда планли ва баландлик геодезик асос лойиҳасини тузиш, планли-баландлик геодезик асоос лойиҳасининг аниқлиги баҳолаш, объектда топографик – геодезик ишларни бажариш учун геодезик асбоб ускуналарини танлаш, диплом лойиҳасининг ташкили-иқтисодий қисмини ишлаб чиқиш.

5. График қисм материаллар рўйхати:

1. Планли геодезик асосни лойиҳаси
2. Баландлик геодезик асос лойиҳаси
3. Планли-баландлик геодезик асос аниқлигини баҳолаш натижаларининг жадвали
4. Геодезик марказларнинг чизмаси

6. Диплом лойиҳасини бажариш режаси:

№	Босқичлар номи	Бажариш муддати	Бажарилганлик белгиси (раҳбар имзоси)
1.	Кириш	19.12.15-24.12.15	
2.	Умумий бўлим	24.12.15- 25.01.16	
3.	Лойиҳавий-ҳисоблаш бўлими	25.01.16-27.02.16	
4.	Ташкилий -иқтисодий бўлим	27.02.16- 26.03.16	
5.	Ҳаёт фаолияти ва меҳнат муҳофаза	26.03.16-15.04.2016	
6.	Умумий хулоса	15.04.2016-25.04.16	
7.	Диплом лойиҳасининг матний қисмини расмийлаштириш	25.04.16-10.05.16	
8.	Диплом лойиҳасининг график қисмини лойиҳалаштириш	10.05.16- 20.05.16	
9.	Диплом лойиҳаси бўйича тақдимот тайёрлаш	20.05.16-01.06.16	

Диплом лойиҳаси раҳбари: доцент Назаров Б.Р.._____

Топшириқни бажаришга олдим _____

Талаба имзоси

19.12. 2015йил

МУНДАРИЖА

КИРИШ

1-БОБ. УМУМИЙ БЎЛИМ		
1.1.	Тошкент шаҳар Яшнобод тумани тўғрисида маълумот.....	
1.2.	Объектни топографик-геодезик ўрганиш	
1.3.	Лойиҳалаш ишларининг мақсади.....	
2-БОБ. ЛОЙИҲАЛАШ-ҲИСОБ БЎЛИМИ		
2.1.	Шаҳар геодезик тармоқларини барпо этиш ва уларни такомил-лаштириш меъёрлари ва усуллари.....	
2.1.1.	Геодезик тармоқларни барпо этиш усуллари	
2.1.2.	Таянч геодезик тармоқларини барпо этишнинг замонавий усуллари..	
2.1.3.	Геодезик тармоқларни барпо этишнинг Суъний йўлдошли усули.....	
2.2.	Планли геодезик тармоқларни лойиҳалаш.....	
2.2.1.	Планли –баландлик геодезик тармоқлар аниқлигини баҳолаш.....	
2.2.3.	Полигонометрия лойиҳаси аниқлигини баҳолаш.....	
2.2.4.	Планли геодезик асонинг дастлабки ҳисоблари.....	
2.2.5.	Планли асос лойиҳасининг аниқлигини баҳолаш кетма-кетлиги.....	
2.3.	Объектда бурчак ва масофа ўлчаш учун тавсия этилаётган геодезик асбоблар.....	
2.4.	Яшнобод объектида баландлик геодезик асос лойиҳасини тузиш ва аниқлигини баҳолаш.....	
2.4.1.	IV класс нивелирлаш йўлларининг тугун нуқталари отметкаларини аниқлашда кутилаётган ўрта квадратик хатоларини ҳисоблаш жадвали.....	
2.4.5.	Бошланғич маълумотларни ҳисобга олган ҳолда IV класс нивелирлашда кутилаётган хатоликларни ҳисоблаш.....	
2.4.2.	Нивелирлаш услубияти ва қўлланиладиган геодезик асбоблар. Рақамли нивелирлар.....	

2.5.	Объектда геодезик пунктларни жойларда маҳкамлаш ва уларнинг турлари.....	
3-БОБ. ТАШКИЛИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ БЎЛИМ		
3.1.	Геодезик ишларни ташкил қилиш ва бажариш.....	
3.2.	Объектдаги топографик-геодезик ишлар молиявий сметасини тузиш бўйича маълумот.....	
3.3.	Яшнобод объектида топографик-геодезик ишларнинг молиявий СМЕТАСИ..... .	
4-БОБ .	Ҳаёт фаолияти, меҳнат муҳофазаси техника хавфсизлиги	
4.1.	Ҳаёт фаолиятининг мазмуни ва мақсади.....	
4.2.	Топографик – геодезик ишларни лойиҳалашда хавфсизлик бўйича қоидалари.....	
4.3.	Меҳнат муҳофазаси.....	
ХУЛОСА		
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати		

Кириш

Президентимиз И. А. Каримовнинг ташаббуслари билан мамлакатимизда саноат, қишлоқ хўжалиги соҳаларида кенг қўламда жадал олиб борилаётган турли қурилиш ишлари, масалан: темир ва автомобил йўллари ўтказиш, турли конструкцияли қўприклар қуриш, канал қазиш, катта –кичик бинолар, тўғон аэродром, турли станциялар каби иншоотлар қуриш инженер геодезияси олдига катта, мураккаб ва маъсулиятли вазифалар қўймоқда.

Аввалам бор, шуни таъкидлаш жойизки геодезик ишларни бажариш учун давлат геодезик тармоғлари барча талабларга жавоб берадиган даражада барпо этилган бўлиши керак. Бу борада Республикаимизда илмий ва амалий ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Давлат геодезик тармоғини, Ернинг сунъий йўлдоши тизими технологияси бўйича такомиллаштириш масаласига кўп миқдорда маблағ ажратилаб, бу ишнинг ривожига катта аҳамият берилмоқда.

Хар бир топографик-геодезик корхонанинг асосий масаласи берилган режага биноан махсулот чиқариш. Бу масалани ечиш учун топографик-геодезик корхонани норматив фаолият билан танишиш зарур, яъни керакли асбоб-анжомларга, малакали кадрларга, хом ашёга, ёқилғи, энергияга, транспорт, эҳтиёт қисмларга ва халқозаларга эга бўлиши лозим. Бунинг учун бу ресурсларни, ҳаракатга киритиш учун белгиланган йўналишда ва замонавий технологияда, тегишли ишлаб чиқаршини илмий-техник ва теник-иктисодий принципларда ташкил этиш лозим.

Мустақил Ўзбекистонимизда геодезия ва топографик ишлаб чиқариш принципларини ташкил этишнинг асосий илмий-техник принциплари қуйидагилардан иборат:

- илмий жихатдан исботланган бошланғич маълумотлар ва мамлакатимиз учун ягона координата ва баландлик системасини яратиш;

- мамлакатимизнинг барча ҳудудлари учун қабул қилинган референц эллипсоид;
- ягона илмий томондан исботланган ва дастур буйича барпо этилган геодезик тўрлар;
- умумий давлат дастурининг буйича ягона инструкция ва қўлланмалар талабига риоя қилган ҳалда топографик ҳариталарни яратиш .
- ишни ташкил этишнинг техник-иқтисодий принципларини Ўзбекистон Республикаси «Ергеодезкадастр» давлат қўмитаси таъминлаб беради .
- барча геодезик ва топографик ишлар умумий техник инструкцияларга биноан бажарилади.

Бу турли соҳалар ва топографик-геодезик корхона ишларининг натижаларидан фойдаланиб мамлакатимизни топографик-геодезик ишларга бўлган талабини таъминлайди.

Ушбу диплом лойиҳаси ҳам Тошкент шаҳар Яшнобод тумани Куйлюк даҳасининг кадастр 1:2000 масштаби топографик планини яратиш учун бажариладиган геодезик ишлар лойиҳаси ни тузиш ишларига бағишланади.

1-Боб. УМУМИЙ БЎЛИМ

1.1. Тошкент шаҳар Яшнобод тумани тўғрисида маълумот

Яшнобод тумани — Тошкентдаги ма'мурий ҳудудий бирлик. 1968 йилда ташкил қилинган. Ҳамза номига қўйилган. Ғарбда Амир Темур хиёбони ва Йўлдош Охунбобоев кўчасидан бошлаб шарқда Оҳангарон йўлигача давом этади. Ҳудуди 3,46 минг га шу жумладан, кўкаламзорлар — 172 га. Аҳолиси 208,7 минг киши (2004). Кўчалар сони 220 та. Асосий магистраллари: Жарқўрғон, Лисунов, Ҳамза, Йўлдош Охунбобоев кучалари ва Фаргона, Оҳангарон йўллари. Ҳамза тумани да 50 та маҳалла мавжуд. Туман ҳудудида 2152 та ташкилот, шу жумладан, 34 саноат корхонаси (Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, "Тошқишлоқмаш", "Тошмаргёғ", "Тошкентвино", "Ўзбек қоғози", "Ўзбекистон шампани", "Тошдонмахсулот", "Тошкентгуруч" акциядорлик жамиятлари корхоналари ва бошқалар); 168 қурилиш ташкилоти; темир йўл транспорти корхоналари — тепловоз ва вагон деполари, Тошкент юк ортиш тушириш темир йўл станцияси бор. Шунингдек, туманда 37 транспорт ва алоқа корхоналари жойлашган.

Кейинги йилларда ташкил қилинган "Фарм Гласе" Ўзбекистан—Британия, "Туфин" Ўзбекистон—Исроил, "ЛокКолорСинтез" Ўзбекистон — Швецария, "ХобасТапо" Ўзбекистон—Германия—Швейсария, "НWA" — Ўзбекистон—Россия қўшма корхоналарида импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Яшнобод тумани да Ўзбекистон Республикаси ФА Президиуми, 3та илмий текшириш института, Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги, 25

умумий та'лим мактаби, 50 та мактабгача тарбия муассасаси, 5 мусика, мактаби, 4 касбхунар коллежи, Тошкент биринчи тиббиёт институти ва бизнес мактаби бор. 9 касалхона, 30 поликлиника ва амбулатория муассасаси, 1 қон куйиш стансияси фаолият кўрсатади. Аҳолига 359 озиқ-овқат, 595 саноат моллари дўконлари, 197 умумий овқатланиш, 324 маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари хизмат килади. 16 жамоат кутубхонаси, 4 кинотеатр, 2 маданият саройи, 4 маданият уйи, "Бахт Роҳат" дам олиш зонаси бор. Турар жой фондининг умумий майдони 2,5 млн.м² га яқин.

Ўзбекистон юқори палатаси матбуот хизматининг “Анҳор” нашри мухбирига берган маълумотга кўра, 2014 йил 29 август куни Ўзбекистон сенаторлари Тошкентнинг Ҳамза тумани номини Яшнобод тумани қилиб ўзгартириш ҳақида қарор қабул қилди.

1.2. Объектни топографик-геодезик ўрганиш

Тошкент шаҳар Яшнобод туманида олиб бориладиган топографик-геодезик ишларни юқори класс геодезик пунктларига боғлашда “Ўзбекистон Республикаси геоахборот ва шаҳарсозлик кадастри” лойиҳа илмий техник институти архивида сақланаётган мавжуд топографик-геодезик ишлар материалларидан фойдаланамиз.

Маҳаллий координата тизими 1949-йилдаги координаталар системасига асосан иш олиб борилади. Планли-баландлик геодезик асосни лойиҳалаш

4 класс триангуляция пунктлари орасида ўтказилади. Объектда топографик-геодезик ишларини амалга ошириш учун олдинги йиллардаги маълумотлардан фойдаланамиз.

Ўтган давр мабойинида янги йўллар, уйлар, саноат объектлари барпо этилиши туфайли топографик-геодезик ишлар эскирган, ва ер ости коммуникацияларига бўлган талаб ошган. Полигонометрия пунктларининг 60-70% турли сабабларга кўра йўқолган.

Тошкент шаҳрининг ўртача денгиз сатҳидан баландлиги Н-445 м.

1979 йилги Балтик баландлик системаси.

Объектда планли-баландлик геодезик асосни лойиҳалаш учун зарур геодезик пунктлар маълумотлар

1.1-жадвал

Пункт номи	Триангуляция пунктларининг класслари
Баходир	4-класс, триангуляция
Ширин	4-класс, триангуляция
Алимкент	4-класс, триангуляция
Лойиҳа	4-класс, триангуляция

1.3. Лойиҳалаш ишларининг мақсади

Объектни топографик-геодезик ўрганишлар натижасида олдин бажарилган топографик-геодезик ишлар тўғрисида қуйидаги хулосага келиш мумкин:

1. Инструкцияга мувофиқ Қарши объектида топографик-геодезик ишларни олиб бориш тўлалигича мос келади.

2. Объектдаги геодезик пунктлар зич жойлашганлиги сабабли 1:5000 масштабда топографик суратга олиш талабларни қаноатлантирмайди. Шунинг учун 1 – разрядли полигонометрия пунктларини мавжуд баландлик тармоқлари асосида янги лойиҳасини тузиш зарур.

3. Объектнинг инженерлик-геологик тузилмаси талабларидан келиб чиққан ҳолда геодезик пунктлар марказларини 5 гр тип, 6 гр тип, 8 гр типларини жойда маҳкамлаш тавсия этилади.


2-Боб. ЛОЙИҲАЛАШ-ҲИСОБ БЎЛИМИ

2.1. Шахар геодезик тармоқларини барпо этиш ва уларни такомиллаштириш меъёрлари ва усуллари


2.1.1. Геодезик тармоқларни барпо этиш усуллари

Триангуляция усули.Триангуляция усули биринчи марта Голландиялик олим Снеллиус томонидан таклиф этилган деб ҳисобланади. Бу усул барча мамлакатларда кенг қўлланилади. Усулнинг моҳияти қўйидагидан иборат. Жойнинг энг баланд нуқталарида учбурчаклар системаси ташкил этадиган геодезик пунктлармаҳкамланади(3.3-расм). Бу тармоқда A бошланғич пунктининг координаталари аниқланади, ҳар бир учбурчакда горизонтал бурчаклар ўлчанади, ҳамда базис томон узунлиги “ b ” ва базис томон азимути “ α ” ўлчанади, бу ўз навбатида тармоқни масштаблайди ва азимут бўйича ориентирлайди.

Триангуляция тармоғи алоҳида учбурчаклар қатори, учбурчаклар қатори системаси ҳамда, яхлит учбурчаклар тўри расмида барпо этилиши мумкин. Триангуляция тармоқининг элементлари сифатида нафақат учбурчаклар, ундан мураккаброқ расмлар геодезик тўртбурчаклар ва марказий системалар ҳам хизмат қилиши мумкин.



2.1-расм. Триангуляция тармоғи



2.2-расм. Полигонометрия йўли.

Триангуляция усулининг асосий афзаллиги унинг оперативлиги ва турли физик-географик шароитларда қўллаш имконияти борлигидир; тармоқдаги кўп сонли ортиқ ўлчашлар, барча ўлчанган микдорларни бевосита далада назорат қилиш имконини беради; тармоқда қўшни жойлашган, айниқса узлуксиз пунктларни ўзаро ҳолатини юқори аниқликда аниқланади [4].

Давлатгеодезик тармоқларини барпо этишдотриангуляция усули энг кўп қўлланилади.

Полигонометрия усули. Бу усул анчадан буён маълум, аммо уни давлат геодезик тармоқларини барпо этишда қўллаш инвар симлар ёрдамида чизикли ўлчашларни бажарилиши мураккаблиги туфайли яқингача фойдаланмай келинди. Тахминан 20 асрнинг 60 чи йилларидан бошлаб, геодезик ишлаб чиқаришга аниқ свето-радиодальномерларнинг жорий қилиниши полигонометрия усулини ривожлантирди ва геодезик тармоқларни барпо этишда кенг қўлланила бошланди. Бу усулнинг моҳияти қуйидагидан иборат. Жойда чўзилган якка йўл (2.2-расм) ёки кесишувчи йўллар системасирасмидаги яхлит тармоқни ташкил этувчи геодезик пунктлар маҳкамланади. Йўлнинг қўшни пунктлари орасида S_i томонлар узунлиги, пунктларда эса бурилиш бурчаклари ўлчанади. Полигонометрия йўлларни азимутал ориентирлаш бирлашувчи γ бурчаклар ўлчанган ҳолда унинг охирги пунктларида аниқланувчи ёки берилувчи азимутлар ёрдамида амалга оширилади. Баъзан юқори класс аниқликдаги геодезик тармоқларнинг координаталари маълум пунктлари орасида полигонометрик йўллар ўтказилади.

Қатор ҳолларда полигонометрия усули, масалан, аҳоли яшайдиган жойларда, йирик шаҳарлар ҳудудида ва ўрмонзорларда триангуляция усулига қараганда қулай ва иқтисодий жиҳатдан мақбул ҳисобланади, сабаби триангуляция пунктларида полигонометрия пунктларига қараганда баланд геодезик белгилар ўрнатиб, кўп сонли пунктлар орасида тўғридан-тўғри кўринишни таъминлаш лозим бўлади. Геодезик белгиларни қуриш геодезик тармоқларни барпо этишда энг қиммат турувчи иш тури ҳисобланади ва у барча харажатларни ўртача 50-60% ни ташкил қилади.

Полигонометрия усулида ҳам ўзига яраша камчиликлар мавжуд, улар қуйидагилардан иборат:

- полигонометрия тармоғи, айниқса якка йўллари, триангуляция каториёки тармоғига қараганда геометрик жиҳатдан анча паст ҳисобланади, полигонометрияда пунктлар орасида геометрик боғлиқликлар сони триангуляцияга қараганда анча кам (иккала ҳолатда ҳам пунктлар сони бир хил бўлишига қарамасдан);
- ортикча ўлчашлар сони (шартли тенгламалар сони) триангуляцияга қараганда полигонометрияда анча кам, шу сабабли тенг шароитларда полигонометрия тармоғи триангуляцияга қараганда аниқлиги анча кичик бўлишига олиб келади;
- полигонометрияда даладаги ўлчашларни назорати триангуляцияга қараганда анча кам, чунки полигонометрияда шартли тенгламалар сони кам, пунктлар сони триангуляция тенг бўлишига қарамасдан.

Юқоридаги камчиликлардан айтишимиз мумкинки, юқори класс аниқликда геодезик тармоқларни барпо этишда полигонометрия усулининг имконияти триангуляцияга қараганда чегараланган.

Таянаётган пунктларига нисбатан паст бўлган классдаги геодезик тармоқларни барпо этишда айниқса свето ва радиодальномерлардан фойдаланилганда полигонометрия усулининг оперативлиги кучлидир, ўлчаш ишларида рақамни индикациялашли.

Трилатерация усули. Ушбу усул, триангуляция усулидек, жойларда геодезик тармоқлар учбурчаклар занжири, геодезик тўртбурчак ва марказий система кўринишида ёки учбурчакларнинг яхлит тўри кўринишида барпо этиш кўзда тутилади, унда барча томонлар узунлиги ўлчанади (бурчаклар ўлчанмайди). Трилатерацияда триангуляция каби, жойда тармоқни ориентирлаш учун қатор томонларини айримларини азимути аниқланган бўлиши лозим.

Масофа ўлчаш свето ва радиодальномер техникасини такомиллаштириши ва аниқлигини ошириши сабабли трилатерация усули катта аҳамиятга эга бўлмоқда, айниқса инженерлик-геодезик ишлар амалиётида.

Қуйидаги сабабларга кўра 1-2 класс давлат геодезик тўрларини барпо этишда трилатерация усули қўлланилмайди:

1. Масофаларни ўлчаш назорати йўқ бу эса юқори аниқликдаги геодезик тармоқларни барпо этишда тўғри келмайди. Томонлари ўлчанган учбурчакларда масофа ўлчаш назорати умуман йўқлиги сабабли учбурчакларда битта ҳам шартли тенглама келиб чиқмайди; томонлари ўлчанган геодезик тўртбурчакларда ва марказий системаларда эса атига биттадан шартли тенглама ҳосил бўлади, худди шундай расмли триангуляцияда ўлчанган бурчаклари билан унда анча кўп мустақил шартли тенгламалар пайдо бўлади: геодезик тўртбурчакда тўртта, марказий системада эса ундан ҳам кўп.

2. Техник-иқтисодий томондан трилатерация усули триангуляция усулига ён беради. Тенгшароитларда чизикли ўлчашда бригадалар штати ва транспортҳаражатлари, бурчак ўлчашга қараганда бир неча марта кўп, чунки пунктдан ҳар бир ўлчанувчи чизик охирига қайтаргич ўрнатилади, сўнгра свето-дальномерни бошқа пунктларга кўчирганда барча ишчиларни қайтаргичлар билан бошқа пунктга кўчиришга тўғри келади, бурчак ўлчашлардабундай ишлар талаб этилмайди.

3. Мос аниқликда бурчак ва чизик ўлчашда трилатерация қатори тармоқларида азимут узатиш аниқлиги триангуляцияга қараганда анча паст бўлади.


Чизикли-бурчакли геодезик тармоқлар. Чизикли-бурчакли тармоқ деганда триангуляция ёки трилатерациянинг шундай кўриниши тушуниладики, унда бир вақтда учбурчакларнинг бурчаклари ва томонлари ўлчанади. Уларда маълум учбурчаклар сонидан сўнг, тармоқни ориентирлаш

учун зарур бўлган Лаплас азимутлари ўлчанади. Чизикли-бурчакли тармоқлар, геодезик тармоқларни максимал юқори аниқликда барпо этиш талаб этилган ҳолларда қурилади, чунки уни барпо этишга кетадиган харажатлар, меҳнат, маблағ ва вақт, ҳудди шундай триангуляция ёки трилатерация тармоқларига қараганда бир канча кўп бўлади. Чизикли-бурчакли тармоқни барпо этишда бурчак ва чизикли ўлчашни биргаликда қўллашдан энг юқори самара олиш учун, радиан ўлчов бирлигида ифодаланган m_N / ρ йўналишни ўлчаш ўрта квадратик хатоси томон узунлигини ўлчаш нисбий m_s / s ўрта квадратик хатосига тенг бўлиши лозим, яъни ўлчаш қуйидаги тенгликка риоя этиши зарур

$$m_N / \rho = m_s / s$$

Иккала ҳолатда ҳам хатолик шартли тенгламаларнинг озод ҳадлари бўйича (боғланмасликлари) ҳисобланади. Бу тенглик бажарилмаган ҳолда чизикли-бурчакли тармоқ ҳудди шундай триангуляция ёки трилатерацияга қараганда аниқлиги бўйича сезирарли ютукни бермайди.

Комбинацияланган геодезик тармоқлар. Геодезик ишлар бажарилаётган ҳудуд турли расмдаги рельефга эга (масалан, битта участка-текис, қўшни участка тоғли), ёки турли ўсимликлар билан (масалан бир участка ботқоқлик, яна бирида майда ўсимликлар ўсган, қўшни участкада эса баланд ўрмон) қопланган бўлса бундай ҳолларда техник-иқтисодий томондан келиб чиққан ҳолда участкаларнинг бирида (иқтисодий жиҳатдан қулайлиги инобатга олиниб) триангуляция (2.3.-расм), бошқасида полигонометрия, учинчисида эса трилатерация усулида геодезик тармоқлар барпо этилади.



2.3-расм. Комбинацияланган геодезик тармоқ.

1-триангуляция; 2-полигонометрия; 3-трилатерация;


Бошқача сўз билан айтганда турли шароитли ҳудудларда комбинацияланган деб айтилувчи геодезик тармоқлар барпо этилади.

Комбинацияланган геодезик тармоқларни барпо этишни чизмаси ва усули турлича бўлиши мумкин ва улар ҳудудни конкрет шароитларидан келиб чиққан ҳолда танланиши лозим.

2.1.2. Таянч геодезик тармоқларини барпо этишнинг замонавий усуллари

Астрономик пунктлардан ташиқил топган таянч тармоқлар
Худуди 1:100 000 ва ундан кичик масштабда топографик съёмка қилишда таянч тўрни, бир-биридан камида 80-100 кмда жойлашган астрономик пунктлардан барпо этиш мумкин. Бу ҳолатда астрономик кенглик ва узокликларга шовун чизиғини оғиши учун тузатма киритилиши лозим. Бу тузатмаларни биринчи яқинлашишда гравиметрик съёмка маълуматлари бўйича ҳисоблаш мумкин. Таянчгеодезик тўрни бундай усулда барпо этиш 1945-50 йилларда Ўрта Осиёнинг тоғли районларини 1:100 000 масштабда хариталаш учун қўлланилган. Ҳозир бу районларда юқори аниқликдаги давлат геодезик тўри барпо этилган.

Динамик триангуляция ёки ҳаракатланувчи визир нишонли триангуляция [4]. Бу усулнинг моҳияти қуйидагидан иборат. Айтайлик, бошланғич A ва B пунктларнинг координаталари маълум ва ундан анча узақда жойлашган ва бу пунктлардан кўринмайдиган C ва D пунктларнинг координаталарни аниқлаш талаб этилган бўлсин.(2.4-расм).



2.4-расм. Динамик триангуляция чизмаси

Масала қуйидаги тарзда ечилади, A ва D пунктларининг тахминан ўртасидан AD чизикга перпендикуляр йўналишда учаётган самалёт ёки вертолётдан ёнаётган m нишон ташланади ва у барча тўртта пунктдан бир вақта синхрон равишда кузатилади (бошланғич ва аниқланувчи) нишоннинг ҳар бир $m_1, m_2 \dots$ ҳолотида схемада кўрсатилган горизонтал бурчаклари ўлчанади.

AB маълум томондан ва унда ўлчанган бурчаклардан фойдаланиб,
 AB m_1 , AB m_2 , ... учбурчаклар ечилади ва сўнгра $m_1, m_2, \dots, m_n$ нуқталарнинг
 координаталари ҳисобланади. Нуқталарнинг координаталари ($m_i (i = 1, 2, \dots, n)$), C
 ва D пунктларда ўлчанилган горизонтал бурчаклар бўйича бу пунктларнинг
 координаталари аниқланади.

Динамик триангуляция усули 1920 йили финляндиялик геодезист
 Вьяйсея томонидан таклиф этилди. 40-йилларда бу усул ёрдамида Африка ва
 Европа триангуляцияси (Крит ороли орқали), Дания ва Норвегия
 триангуляцияси (Скагеррак бўғози орқали) ўзаро бирлаштирилди.

2.1.3. Геодезик тармоқларни барпо этишнинг Суъний йўлдошли

усули

Ернинг суъний йўлдошларини кузатишни қайта ишлаш билан нуқталар координаталарини аниқлашнинг геометрик ва динамик усуллари муфассал кўрилади. Биринчи ҳолатда Ернинг суъний йўлдошлари координаталарни аниқлашда пассив визир нишонлардек фойдаланилади, масалан, бошланғич ва аниқланувчи пунктдан Ернинг суъний йўлдошигача бўлган масофани синхрон ўлчашда фойдаланилади. Иккинчи ҳолатда Ернинг суъний йўлдоши координаталарни олиб юривчи ҳисобланади. Америка навигацион системаси “Transit” ер юзасидаги нуқталарнинг X, Y, Z тўғри бурчакли геоцентрик координаталарини, Ернинг суъний йўлдоши ҳафта ичида 40-50 маротаба учиб ўтишида 3-5 м хатолик билан автоном равишда аниқлаш имконини беради. Юқорида аниқликда бошланғич ва аниқланувчи пунктлар орасидаги координата орттирмасини аниқлаш учун (бошланғич пункт координата системасида) бу пунктларни Ернинг суъний йўлдошини синхрон кузатишни кўзда тутувчи “транслокация усули” қўлланилади, бу усулда 100-500 км масофада координата орттирмаси 0.3-1.3 м аниқлик билан аниқланади. Ҳозарги вақтда такомиллашган ва ўта аниқ навигацион системалар яратилди: Глонасс Россияда ва “Navstar” (GPS) АҚШда. Уларнинг ҳар бири 26 та Ернинг суъний йўлдошларидан ташкил топган ва хоҳлаган вақтда ва Ер шарининг хоҳлаган қисмида нуқталарнинг геоцентрик координаталарининг юқори аниқлик билан аниқлаш мумкин.

2.2. Планли геодезик тармоқларни лойиҳалаш


Маҳаллий геодезик тармоқлар жойнинг локал участкаларида, ҳар қандай вақтда планда нуқталарни ўзаро ҳолати ва баландлиги бўйича аниқлаш талабидан келиб чиқадиган мураккаб илмий ва илмий-техник масалаларни ечишга тўғри келади. Бундай ҳолларда ўта юқори аниқликда маҳсус тармоқлар барпо этилади ва уларда аниқ вақт оралиғида такрорий прецизон ўлчашлар бажарилади. Бундай тармоқлардаги ўлчашларнинг математик қайта ишланиши маҳаллий координаталар системасида бажарилади, у шундай танланади, бунда ўлчанган миқдорлардан уларни маҳаллий кўчириш сатҳида проекциясига ўтиш учун редукцион тузатма имкони бориша кичик бўлсин. Бундай тармоқлардан, масалан кучли ер силкинишларнинг сабабларини қидиришда ва башорат қилишда, кучли-кудратли радиотелескопларни қуришда ва эксплуатация қилишда, элементар заррачалар тезлатгичларини ва гидростанциялар қурилишида фойдаланилади.

2.1 – жадвал

4 класс, 1 ва 2-разряд полигонометрияга қўйиладиган талаблар

№	Кўрсаткичлар	4 класс	1 разряд	2-разряд
1	Чекли йўл узунлиги км.	10	5	3
2	Йўл узунлиги км. - Берилган пунктдан тугун пунктгача - Тугун пунктлар орасидаги	7 5	3 2	2 1.5
3	Чекли полигон периметри км.	30	15	9
4	Йўл томон узунлиги км. - Энг каттаси - Энг кичиги - Ўртачаси (оптимал)	2.00 0.25 0.50	0.80 0.12 0.30	0.35 0.08 0.20
5	Йўлдаги энг кўп томонлар сони	15	15	15

6	Йўлдаги энг кўп нисбий хатолик	1: 25000	1: 10000	1: 5000
7	Бурчак ўлчашнинг (полигондаги йўллар боғланмаси бўйича) энг катта ўрта квадратик хатоси	2``	5``	10``



2.5-расм Планли геодезик асос лойиҳасининг схемаси

Иш худудида олиб бориладиган планли геодезик асос лойиҳасини барпо этиш учун 1 – разрядли полигонометрия усулини қўллаймиз. Полигонометрияда чўзилган якка йўл ёки кесишувчи йўллар системаси шаклидаги яхлит тармоқни ташкил этувчи геодезик пунктлар маҳкамланади. Йўлнинг қўшни пунктлари орасида L_i томонлар узунлиги, пунктларда эса бурилиш бурчаклари ўлчанади. Полигонометрия йўлларни азимутал ориентирлаш мақсадида туташувчи γ бурчаклар ўлчанган ҳолда унинг охириги пунктларида аниқланувчи ёки берилувчи азимутлар ёрдамида амалга оширилади. Шаҳар худудида ва ўрмонзорларда триангуляция усулига қараганда қулай ва иқтисодий жиҳатдан мақбул ҳисобланади, сабаби триангуляция пунктларида полигонометрия пунктларига қараганда баланд геодезик белгилар ўрнатиб, кўп сонли пунктлар орасида тўғридан-тўғри кўринишни таъминлаш мумкин. Геодезик белгиларни қуриш, геодезик тармоқларни барпо этишда энг қиммат турувчи иш тури ҳисобланади ва у барча ҳаражатларни ўртача 50-60% ни ташкил қилади.

Объектда мавжуд бўлган юқори класс аниқликдаги геодезик тармоқлар Баҳодир, Ширин, Алимкент ва Лойиҳа 4-класс триангуляция пунктлари оралигидан 1-разрядли полигонометрия йўлини лойиҳаланди. Лойиҳаланган 1-разрядли полигонометрия йўли 8 та полигонометрия йўли, 39 та пункт ва 3 та тугун нуқтадан иборат, 1- разрядли полигонометрия йўлининг умумий узунлиги километр метрни ташкил этди.


2.2.1. Планли геодезик тармоқ аниқлигини баҳолаш

Лойиҳаланган 1 - разрядли полигонометрия нукталарининг координаталарини аниқлашда, талаб қилинган аниқликни таъминлаш учун лойиҳаланган геодезик асос аниқлигини баҳолаймиз

Полигонометрия тармоғи лойиҳаси аниқлигини баҳолашнинг энг содда усулиларидан бири кетма-кет яқинлаштириш усулидир.

Бу усулнинг моҳияти қуйидагидан иборат:

Полигонометрия тармоғи лойиҳасининг аниқлигини баҳолашнинг энг кўп қўлланиладиган усули кетма-кет яқинлаштириш усулидир. Полигонометрия тармоғи лойиҳасини аниқлигини баҳолашни қуйидагича.



2.6-расм. Полигонометрия тармоғи схемаси

Полигонометрия йўлларини (Z_1, Z_2, Z_3, Z_4, Z_5) биринчи яқинлаштириш, полигонометрия йўлларининг ҳар-бирини алоҳида бир тизим, деб олиб уларнинг ҳар-бирини ўрта квадратик хатосини (M_Z) топишдир.

$$M_Z^2 = \mu^2[S] + \lambda^2[S]^2 + \frac{m_\beta^2}{\rho^2} \cdot \frac{n+3}{12}[S]^2,$$

бу ерда: μ - полигонометрия тизимига тасодифий таъсир коэффициентини,

λ - тизимга систематик таъсир кўрсатувчи омил коэффициентини. (коэффициентлар томонлар сони билан алмаштирилади, чунки томонлар сонининг кўп ёки камлиги тасодифий ва систематик хатоларга тенгдир).

S - томонлар узунлиги, мм ҳисобида.

m_β - бурчак ўлчашнинг ўрта квадратик нуқсони, $m_\beta = \pm 5''$

n – томонлар сони; томонларнинг ўлчаш ўрта квадратик нуқсони,

$m_s = \pm 20$ мм.

Ҳисоблаш формуласи қуйидагича

$$M = n \cdot m_s^2 \frac{m_\beta^2}{\rho^2} [S]^2 \frac{n+3}{12}$$

Кетма-кет яқинлаштириш тартиби кейинги жадвалда келтирилган. Биринчи яқинлаштиришни барча устунларда охиригача тугатмасдан туриб иккинчи иккинчи яқинлаштиришга ўтилмайди. Иккинчи яқинлаштиришни тугатмасдан учунчи яқинлаштиришни давом эттириб бўлмайди, сабаби иккинчи яқинлаштиришдаги миқдорлар учинчи яқинлаштиришда фойдаланилади.

Яқинлаштиришни охирги икки яқинлаштиришда бир хил ўрта квадратик хатолик бир хил бўлмагунга қадар ҳисоблаш давом этаверади.

$$M^2 = \frac{C}{[P]}; \quad C = 100000$$

$$\frac{C}{[P]} = M_z^2 = \frac{100000}{107} 934 \quad M = 30$$

$$P_z = \frac{C}{M_z^2} = \frac{100000}{2880} = 35$$

$$M_{\text{Бол}}^2 = \frac{M_B^2 + M_O^2}{2}; \quad M^2 = M^2 + M_z^2.$$

1-разрядли полигонометрия тармоғини аниқлашда нисбий хатоликнинг чекли қиймати инструкция бўйича 1:10000га тенг бўлиши керак. Ҳар бир

полигонометрия йўлининг ўрта квадратик нуқсони 1:10000 дан кичик бўлиши шарт.

Хар бир полигонометрия йўлининг охириги пунктини ҳолатини аниқлашда кутилаётган хатолиги қуйидаги формулалар орқали ҳисобланади.

1) Чўзиқ йўл учун

$$M^2 = m_s^2 n + \frac{m_\beta^2}{\rho^2} [S]^2 \frac{n+3}{12}$$

2) Эгри йўл учун

$$M^2 = m_s^2 n + \frac{m_\beta^2}{\rho^2} [D_{ц.и}]^2$$

Бу ерда: S - томонлар узунлиги (мм ҳисобида),

m_β - бурчак ўлчашнинг ўрта квадратик нуқсони,

n – томонлар сони,

m_s - томонларнинг ўлчаш ўрта квадратик нуқсони.

Агар эгри йўл учун M қийматни чўзиқ йўл формула орқали ҳисобласак, у хар доим эгри йўл формула орқали ҳисобланган қийматдан каттароқ чиқади. Шу сабабли чўзиқ йўл формула орқали ҳисоблаймиз.

Лойиҳаланган 1-разрядли полигонометрия асосининг, йўл узунлиги, томонлар сони, -жадвалда келтирилган, 1-разрядли полигонометрия асос лойиҳаси 1-расмда келтирилган.

2.2.3. Полигонометрия лойиҳаси аниқлигини баҳолаш

Планли геодезик асос 1 разрядли полигонометрия тармоғи кўринишда лойиҳаланган бўлиб, у 8та йўл ва 3 тугун нуқта ҳамда 38 та пунктдан иборат Полигонометрия йўлларининг характеристикаси қуйидаги жадвалда келтирилган.

2.2-жадвал

Лойиҳаланган полигонометрия йўлларининг характеристикаси

Йўллар №	Томонлар сони	Полигонометрия йўллари узунлиги (м)
1	3	565
2	9	1605
3	4	715
4	4	820
5	11	2115
6	2	515
7	5	1095
8	8	1810
9	5	1245
10	6	1235
		$\Sigma=11730$

2.2.4. Планли геодезик асонинг дастлабки ҳисоблари

Бошлаб йўўлар бўйича кутилаётган бошланғич маълумотлар ўрта квадратик хатосини ҳисоблаймиз. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланамиз:

$$M^2 = m_s^2 n + \frac{m^2 \beta}{\rho^2} \times L^2 \times \frac{n+3}{12};$$

бу ерда: m_s — масофа ўлчаш ўрта квадратик хатоси.

m_β — бурчак ўлчаш ўрта квадратик хатоси.

L — полигонометрия йўли узунлиги.

n — йўлдаги томонлар сони.

Қуйидагиларни қабул қиламиз $m_s = 5$ мм, $\frac{m\beta}{\rho^2} = 0,000588$, $s = \frac{L}{M}$,

ҳисоблаш натижаларини қуйидаги жадвалга киритамиз.

Бошланғич маълумотлар хатосини ҳисобга олмаган ҳолда 1 разрядли полигонометрия йўлларида кутилаётган ўрта квадратик хатони ҳисоблаш
2.3-жадвали

2.2.5 Планли асос лойиҳасининг аниқлигини баҳолаш кетма-кетлиги

Бошланғич маълумотлар хатоликларини ҳисобга олмаган ҳолда 1 разрядли полигонометрия йўлларидаги кутилаётган ўрта квадратик хатоларнинг ҳисоблари 2.3-жадвал

Йўл лар №№	$m_s^2 * n$	$\frac{m_\beta^2}{\rho^2}$	L^2	$\frac{n+3}{12}$	$m_s^2 * n * L^2 * \frac{n+3}{12}$	M^2	M	$\frac{M_s}{S}$
1	0,0003	0,0005888	0,3192	0,5000	0,0000938	0,0003938	0,02	1:28250
2	0,0009	0,0005888	2,5760	1,000	0,0015147	0,0024147	0,05	1:32100
3	0,0004	0,0005888	0,5112	0,583	0,0001752	0,0005752	0,02	1:35750
4	0,0004	0,0005888	0,6724	0,583	0,0002305	0,0006305	0,03	1:27333
5	0,0011	0,0005888	4,4732	1,167	0,0030695	0,0041695	0,06	1:35250
6	0,0002	0,0005888	0,2652	0,417	0,0000650	0,0002650	0,02	1:25750
7	0,0005	0,0005888	1,1990	0, 667	0,0004702	0,0009702	0,03	1:36500
8	0,0008	0,0005888	3,3124	0, 917	0,0017860	0,0025860	0,05	1:36400
9	0,0005	0,0005888	1,5500	0,667	0,0006079	0,0011079	0,03	1:41500
10	0,0006	0,0005888	1,5252	0,750	0,0006726	0,0012726	0,04	1:30875

Лойиҳа барча талабларни қаноатлантиради, чунки йўллар бўйича кутилаётган нисбий хатоликлар чекли 1:10 000дан кичик.

**1-разрядли полигонометрия лойихаси тугун нуқталарида кутилаётган ўрта квадратик хатоларни кетма-кет
яқинлаштириш усули билан ҳисоблаш жадвали**

2.4-жадвал

Йўллар №	1 яқинлаштириш					2 яқинлаштириш					Зяқинлаштириш				
	M_H^2	M_K^2	M_X^2	$M_{об}^2$	Вазн $p = \frac{100000}{M_{об}^2}$	M_H^2	M_K^2	M_X^2	$M_{об}^2$	Вазн $p = \frac{100000}{M_{об}^2}$	M_H^2	M_K^2	M_X^2	$M_{об}^2$	Вазн $p = \frac{100000}{M_{об}^2}$
	1 тугун нуқта														
1	0	0	400	400	250	0	19	400	419	238,7	18	18	400	436	229,4
2	0	0	2500	2500	40	23	19	2500	2542	39,3	22	18	2500	2540	39,4
10	0	0	1600	1600	62,5	14	19	1600	1633	61,2	14	18	1600	1632	61,3
	M ² = 19		M = 4		Σp=352.5	M ² =18		M =4		Σp=339,2	M ² =18		M =4		Σp=330,1
	2 тугун нуқта														
2	19	0	2500	2519	40	18	19	2500	2537	39,4	22	22	2500	2544	39,3
3	0	0	400	400	250	19	19	400	438	228,3	19	22	400	441	226,8
6	0	0	400	40	250	21	19	400	440	227,3	19	22	400	443	225,7
	M ² =23		M =4		Σp=540	M ² =22		M =4		Σp=495	M ² =22		M =4		Σp=491,8

	3 тугун нукта														
3	23	0	400	423	236,4	22	19	400	441	235	22	19	400	441	226,8
4	0	0	900	900	111,1	0	19	900	919	108,8	19	19	900	938	106,6
5	0	0	3600	3600	28	19	19	3600	3638	27,5	19	19	3600	3638	27,5
	M ² =19		M =4		Σp=375,5	M ² =19		M =4		Σp=371,3	M ² =19		M =4		Σp=360,9
	4 тугун нукта														
6	23	0	400	423	236,4	22	14	400	436	229,4	22	22	400	444	225,2
7	0	0	900	900	111,1	0	14	900	914	109,4	21	21	900	942	106,2
9	0	0	900	900	111,1	14	14	900	928	107,8	14	14	900	928	107,8
	M ² =21		M =4		Σp=458,6	M ² =21		M =4		Σp=446,6	M ² =21		M =4		Σp=439,2
	5 тугун нукта														
9	21	0	900	921	108,6	14	21	900	935	107	14	21	900	935	107
8	0	0	2500	2500	40	0	14	2500	2514	40	14	14	2500	2528	40
10	0	0	1600	1600	62,5	14	18	1600	1632	61,3	18	18	1600	1636	61,1
	M ² =14		M =3		Σp=211,1	M ² =14		M =3		Σp=208,3	M ² =14		M =3		Σp=208,1

**Бошланғич маълумотлар хатоликларини ҳисобга олган ҳолда 1 разрядали полигонометрия йўлларида
кутилаётган хатоликларни ҳисоблаш жадвали**

2.5-жадвал

Йўл №	Йўл узуңлиги (км)	Нуқталар №		M_6^2	M_0^2	$M_{исх}^2$	$M_{йўл}^2$	$M_{умум}^2$	$M_{ум}$	$\frac{m_s}{S}$
		Бошланғич	Охирги							
1	0,565	1 Бошланғич	1-тугун	0	18	9	400	409	20	1:28250
2	1,605	1-тугун	2-тугун	18	22	20	2500	2520	50	1:32100
3	0,715	2-тугун	3-тугун	22	19	20	400	420	20	1:35750
4	0,820	3-тугун	2-тугун	19	0	9	900	909	30	1:27333
5	2,115	3-тугун	3-тугун	19	0	9	3600	3609	60	1:35250
6	0,515	2-тугун	4-тугун	22	21	21	400	421	20	1:25750
7	1,095	4-тугун	3 Бошланғич	21	0	10	900	910	30	1:36500
8	1,820	3 Бошланғич	5-тугун	0	14	7	2500	2507	50	1:36400
9	1,245	4-тугун	5-тугун	21	14	17	900	917	30	1:41500
10	1,235	5-тугун	1-тугун	14	18	16	1600	1616	40	1:30875

Лойиҳа талабга жавоб беради, чунки йўллар бўйича нисбий хатоликларнинг қиймати 1:10 000 чекли хатоликдан кичик.

2.3. Объектда бурчак ва масофа ўлчаш учун тавсия этилаётган геодезик асбоблар

Carl Zeiss Elta S20, Elta S30 электрон тахеометрлари

Elta S20, Elta S30 - бу электрон тахеометрлар, Carl Zeiss компаниясининг янги ишлаб чиқарган маҳсулидир.

C - сериядаги тахеометрлар асосини 486 процессор ва DOS тизимидаги операцион тизим ташкил этади. 4 вариантдаги ташқи дастур билан таъминланиш мумкин.

